# 1/07 - сон Маҳсулот етказиб бериш шартномаси

**Дўстлик шахар** **“01” Июль 2022 йил**

«NODIRA CHEVAR» хусусий корхонаси (кейинги ўринларда – **“Сотувчи”)** низоми асосида иш олиб борувчи номидан раҳбари Мелибоева Нодира орқали бир томондан ва Дўстлик туман тиббиёт бирлашмаси кейинги ўринларда **“Сотиб олувчи”)** низоми асосида иш олиб борувчи номидан Х.Абдураимов орқали иккинчи томондан ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

## 1. Шартнома предмети

1.1 “Сотувчи” ўзига тегишли молк-мулкни “Харидор” га бюртам асосида етказиб беради, “Харидор” эса мол-мулкнинг хаққини тўлангандан кейин олиш хуқуқига эга бўлади.

Молк-мулк тўғрисида маълумот:

| Т/Р | Товар (иш хизматлар номи) | Фойдаланиш кафолат муддати (йил, ой, кун) | Ўлчов бирлиги | Сони | Қиймати ҚҚС билан | Суммаси ҚҚС билан |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Чойшаб | | ком | 256 | 135000 | 34560000,0 |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | **Жами** | | | | | **34560000,0** |

## 2. Шартнома нархи (қиймати)

2.1. Шартнома баҳоси: 34560000,0 (Ўттиз тўрт миллион беш юз олтмиш минг) сўм.

## 3. Тўлов шартлари

3.1 . Ушбу шартнома бўйича тўлов пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

## 4. Мажбуриятларнинг бажарилиши муддати

4.1 Харидор томонидан шартноманинг умумий кийматидан олдиндан 30 % тўловни амалга оширади, қолган 70 % и маҳсулотни олган кундан бошлаб 30 кун ичида тўлаб берилади.

4.2 Харидор сотувчининг ҳисоб рақамига аванс маблағни ўтказгандан сўнг, сотувчи сотиб олувчига мол-мулкни 3 кун вақт ичида бериши шарт.

4.3 Мазкур шартнома Ғазначилик органларида руйхатга олингандан кейин кучга киради ва «31» декабрь 2022 йилгача амал қилади.

## 5.Тарафларнинг мажбуриятлари

**5.1 Сотувчининг мажбуриятлари:**

5.1.1 Харидорга олди-сотди шартномасида назарда тутилган товарни топшириши;

5.1.2 Тегишли даражада сифатсиз маҳсулот юборилганлиги тўғрисида хабарнома олгандан сўнг сифатли бўлмаган мол-мулкни 1 кун ичида алмаштириб бериш ёки сифатли бўлмаган мол-мулк баҳосини қайтариб бериши;

5.1.3 Харидорга товарни бериш билан бир вақтда унга мансуб ашёни, шунингдек қонунчиликда ёки шартномада назарда тутилган ашёга алоқадор ҳужжатлар (техник паспорти, сифат сертификати, фойдаланиш бўйича йўриқнома ва ҳоказолар)ни топшириши шарт.

**5.2 Сотиб олувчининг мажбурияти:**

5.2.1 Харидор томонидан топширилган товарни қабул қилиб олиши, у товарни алмаштириб беришни талаб қилиш ёки олди-сотди шартномасини бажаришни рад этишга ҳақли бўлган ҳоллар бундан мустасно.

5.2.2 Тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулк келиб тушгани аниқлангандан кейин, бу ҳақда далолатнома ёзилиб, 24 соат ичида сотувчини огоҳлантириш.

Кўриб чиққан юрист: OO'CHOOROV ESHPO'LAT IRKAYEVICH Хужжат рақами: UH8170560080

5.2.3 Молк-мулк баҳосини ушбу шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда тўлаш.

## 6.Тарафларнинг жавобгарлиги

6.1 Сотувчи молк-мулкни тўлиқ етказиб бермаганлиги учун харидорга етказиб берилмаган хар бир кун учун мажбурит бажарилмаган қисмининг 0.5 %и миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

6.2 Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортименти ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонунчиликда ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, сотувчи (етказиб берувчи)дан сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима сотувчи (етказиб берувчи)дан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

6.3 Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун сотиб олувчи маҳсулотни сотувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи (буюртмачи) сотувчи (етказиб берувчи)га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

6.4 Неустойка (жарима, пеня) тўлаганлигидан қатъи назар, шартнома мажбуриятларини бузган тараф иккинчи тарафга ана шу зарар оқибатида ўзи етказган зарар қисмини ҳам қоплайди. Муддатини ўтказиб юбориш ёки шартнома мажбуриятларини ўзгача тарзда лозим даражада бажармаслик ҳоллари учун белгиланган неустойкани (жаримани, пеняни) тўлаш ҳамда шартнома мажбуриятларини лозим даражада бажармаслик оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш, тарафларни мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод этмайди.

6.5 Шартнома мажбуриятлари хўжалик юритувчи субъект мансабдор шахснинг айби билан бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган, унинг томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг пул маблағлари ва бошқа мол-мулки мақсадга номувофиқ фойдаланилганлиги аниқланган, тўлов интизоми бузилган, хўжалик юритувчи субъект банкротликка дучор қилинган ёки шартнома муносабатлари соҳасида бошқа қоидабузарликлар содир этилган тақдирда, хўжалик юритувчи субъектнинг мансабдор шахси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 45 ва 48-моддаларига мувофиқ фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 175, 1761, 1762, 212 ва 214-моддаларига мувофиқ маъмурий жавобгарликка, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 175, 181, 186, 205, 207 ва 209-моддаларига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

## 7. Коррупцияга қарши келишув

7.1 Шартнома бўйича ўз мажбуриятларинини бажаришда Томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни улар, уларнинг ходимлари, кафилланган шахслар, бенефициари ва шартномани амалга оширишдаги хамкорлари, пудратчилари томонидан бирбирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик

қилишда,моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу харакатларнинг олдини олиш бўйича чоратадбирлар қабул қилинишини кафолатлайди.

7.2 Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузилганда ёки асосли гумонлар юзага келганида дархол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони (78 150 26 03) орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган холатга ойдинлик киритиш мақсадида ёзма изох талаб қилиш хуқуқига эга ва мурожаатини олган томон 10 (ўн) иш куни мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

7.3 Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавфхатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион холатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш хуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин.

7.4 Ушбу бобда кўрсатилган асослар бўйича шартномани бир томонлама бекор қилиш талаб қилган томонга етказилган зарарларни қоплаш қонунчиликда кўрсатилган тартибда амалга оширилади, ушбу бобнинг мажбуриятларини бузган томон эса шартноманинг бир томонлама бекор қилиниши оқибатида кўрилган зарарлар қоплашни талаб қилишига хақли эмас.

## 8.Форс-мажор ҳолатлари

8.1 Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас (уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир).

8.2 Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огоҳлантириши шарт.

8.3 Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч уч ой узлуксиз давом этса, тарафлар, бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиши мумкин.

## 9.Низони ҳал қилиш тартиби

9.1 Ушбу шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади.

9.2 Тарафларнинг келишуви билан ҳал қилиб бўлмайдиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар қонунчиликда белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан ҳал қилинади.

## 10.Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

10.1 Ушбу шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар Дўстлик туман юридик хизмат кўрсатиш марказининг хулосаси асосида иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилиб, имзо қўйилиб тегишли ғазначилик органларидан руйҳатдан ўтгандан сўнг юридик кучга эга бўлади.

10.2 Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

## 11.Бошқа шартлар

11.1 Ушбу шартнома тарафлардан ҳар бири учун ҳақиқий, бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

## 12. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

**«СОТУВЧИ»**

«NODIRA CHEVAR» **ХК**

(сотувчининг номи)

Манзил:Жиззах вилоят Дўстлик туман Хамза МФЙ Дўстлик кўчаси 7-уй

Тел./факс:97-523-44-46

х/р: 2020 8000 9048 7580 3001

Банк номи: ОАТБ Микрокредит банк

МФО 00135

ИНН 301742943

ОКЭД 17210

**Раҳбар:** **Н.Мелибоева**

(имзо)

**«СОТИБ ОЛУВЧИ»**

**Дўстлик ТТБ**

(сотиб олувчининг номи)

Манзил: Дўстлик шаҳар Ибн Сино кўчаси 1-уй

Тел./факс 72-335-47-79

ш/хв: 100022860082157073101054001

| |
|---|
| Х/Р:23402000300100001010 |
| МФО:00014 |
| Банк:Марказий банк Тошкент шаҳри |
| ИНН:200999279 |
| ОКОНХ:91511 |
| Дўстлик туман буйича Ғазначилик бўлинмаси |
| ИНН: 201122919 |

**Буюртмачи раҳбар:** **Х.Абдураимов**

(имзо)

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, ҳужжат коди: UH81708UU8U

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
JIZZAX VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI
DO'STLIK TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI
130500 Do'stlik shahri, Arnasoy shoh ko'chasi.

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA № 3109

1.Loyihaning turi – Mahsulot etkazib berish shartnomasi

2.Loyihaning nomi – «NODIRA CHEVAR» xususiy korxonasi va Do'stlik tuman Tibbiyot birlashmasi o`rtasidagi 2022-yilning 01- iyuldagi № 1/07-sonli shartnoma loyihasi. Loyiha miqdori- 34560000 so'm.

3.Loyiha ishlab chiquvchi va kiritilgan sana– Do'stlik tuman Tibbiyot birlashmasi tomonidan 2022-yilning 30-iyun kuni elektron tizim orqali markazga taq`dim etilgan.

**Shartnoma loyixasining moliyaviy tamonlariga markaz tomonidan javob berilmaydi!**

**XULOSA:**

Yuqoridagilarni inobatga olgan holda, Do'stlik tuman Tibbiyot birlashmasi tomonidan taqdim etilgan ushbu xizmat ko`rsatish shartnomasi loyihasini huquqiy ekspertizadan o'tkazish maqsadga muvofiq.

**Markaz bosh yuriskonsulti** **E.I.Qo'chqorov**
05.07.2022-yil